

Жахон тарихи одамзод ўзи яшаб турган маконида кўп миқдорда ёвузлик, жиноий ҳаракатлар ижод этганига шохиддир.

Француз олими Лайнус Полинга ўзининг "Ҳеч қандай уруш бўлмасин" номли асарида ер юзида кейинги 5,5 минг йил давомида 14500 та катта ва кичик урушлар бўлиб, уларда 4 миллиардга яқин одам ҳалок бўлган, бу бундан бир неча ўн йил олдин ер қуррасида яшаётган одамлар миқдориغا тенгдир», деб ёзган эди.

Ҳарбий ҳаракатлар юз бериши ва юз бермаслигидан қатъи назар турли мамлакатларнинг у ёки бу ҳудудида қотилликлар, портлашлар, ёнгинлар, заҳарланишлар, одамларни ўғирлаш ва бошқа ҳаракатлар юз берган ва ҳозирда ҳам содир бўлмоқда.

Октябр тўнтариши оқибатида Туркистонда зўрлик билан ўрнатилган мустамлақачи Советлар тузуми биринчи кундан бошлаб халқдаримиз бошига сон-саноксиз қиргинлар, дахшатли ва аламли қулфатлар олиб келди. Бу дахшатли режимни ўлкамиз халқлари қабул қилмадилар. Улар истикдол учун, эрк ва миллий-озодлик учун 16 йил мобайнида қуролли қураш олиб бордилар. Бу қураш давомида, айрим хориждаги муаррихлар ҳисобича, 1 миллион 900 минг ватандошимиз Туркистондан бош олиб, хорижий мамлакатларга чиқиб кетди ва 1 миллион 700 минг юртдошимиз Сибирга, Ўзбек Шимолига, Украинага, Шимолий Кавказга, Уралга, Қозоғистонга, Ўзбек Шарққа, Кавказга, Волгабўйи районларига бадарга қилинди.

Россия Федерацияси марказий телевиденияси "Култура" канали 2007 йил 4 июлда "Расстрельные списки Сталина" номли кўрсатув берди. Уни тарих фанлари доктори Н. Петров, тарихчи А. Виноградов олиб бордилар. Унда «катта террор»нинг 1937 йил 30 июлдан бошланиб 1938 йил ноябрга қадар давом этганлиги айтиб ўтилган. Шу вақт ичида 1,5 миллион киши қамолга олинган, шундан 700 минги отиб юборилган. "Катта террор"нинг қаҳрли тиги жамият аъзоларининг барча тоифаларини ўз домига қортган. Айниқса, "катта террор"дан аҳолининг қўйи табақасидагилар кўп қабр-зулм қўрганлар.

НКВДнинг 00486-сонли буйруғи бўйича 1938-1946 йилларда Қарағандадаги "Алжир" (Акмолинский лагерь жён изменников родины) лагерида "Ватан ҳоинларининг оила аъзолари"дан 6500 аёл жазони ўтаган. Халқ душмани тамғаси билан қатагон

бўлганларнинг фарзандлари махсус болалар муассасаларида сақланган. 1937 йил 15 августдан 1939 йил январигача Иттифок бўйича 25342 бола оиласидан ажратиб олинган, улардан 22427 нафари Халк маорифи комиссарлиги ҳудудидаги болалар уйлари ва маҳаллий богчаларга тарқатиб юборилган, шундан 1909 нафари Москвада бўлган, 2915 нафари бошқаларга боқиш учун оилаларга қайтариб берилган. Бу болаларнинг ёши 15 гача бўлган. Ёши 15 дан юқорида бўлган болалар "ижтимоий хавфли" ҳисобланиб, камокка олинган ва ҳукм қилинган.

Қараганда лагеридаги маҳбус аёллар жазо муддатини ўтаётганларида 1507 нафар фарзанд кўрганлар, бу болалар кўпинча севги асосида эмас, зўрлик асосида дунёга келганлар.

Мудҳиш воқеалар 1937 йил июлдан бошланиб, 1938 йил ноябргача давом этган. Шу вақт ичида совет империяси бўйича бир ярим миллион киши камокка олинган, шундан етти юз минг отилган. Ўзбекистонда эса 1937 йил 10 августдан 1938 йил 1 январгача ўн минг етти юз киши камокка олинган. Булардан уч минг олти юз ўн уч киши отилди, етти минг саксон етти киши саккиз-ўн йил муддатга камокка ташланди.

Ўша йиллари аҳолининг барча катламлари катагон гирдобига тушган. Катагон аввало, зиёлилар, дин хизматчиларига қарши қаратилган эди.

Фақат 1937 йил декабр ойида "учлик" қарори билан ҳукм қилинган уч минг олти юз қирк тўрт кишидан бир минг тўрт юз олти миш тўрт нафари имом, эшон, мулла ва бошқа диний хизматчи бўлган. 1938 йилнинг феврида "учлик" йиғилишларида 2491 маҳбус устидан ҳукм чиқарилган, шундан 2086 маҳбус отувга, 398 маҳбус ўн йил муддатга, икки маҳбус саккиз йил муддатга камок жазосига ҳукм қилинган. Тўрт маҳбус тергов вақтида вафот этган, бир кишигина озод этилган. Улар асосан ўзига тўқ дехқонлар, ишчи-хизматчилар, 153 нафари уламолар, 72 нафари собиқ савдогарлар бўлган.

Катагон қилинган юртдош уламоларнинг қисматига дойр айрим маълумотларни келтирмоқдамиз:

Абдурахмон Бердиалиев (1888 йили Андижан округи, Баликчи тумани, Тумор қишлоғида туғилган, имом, хибсга олинган вақтда қолхозчи) — босмачилик ва бошқа аксил-инқилобий ҳаракатларда қатнашган, қолхоз

тузумига қарши тарғибот олиб борган деган тухмат билан "учлик" томонидан 1938 йил 9 февралда отувга ҳукм қилинган.

Ашур Солиев (Бухоро округи Шофиркон тумани, Қилмақон қишлоғида 1903 шли туғилган, олим, хибсга олинган вақтда қолхозчи) — миллатчи, аксил-инқилобий ташкилот аъзоси сифатида қолхозчилар орасида совет ҳокимиятига қарши қорозилик уйғотган, деган сохта айблов билан "учлик"нинг 1938 йил 7 февралдаги қарори билан отувга ҳукм қилинган. Хайдар Ҳазратқулов (1868 йили ҳозирги Жиззах вилояти Жиззах тумани Етимтақ қишлоғида туғилган, дин хизматчиси, имом)

— аксилинкилобий миллатчи ташкилот аъзоси, аҳоли орасида колхозга қарши тарғибот олиб борган, деган уйдирма билан "учлик" -нинг 1938 йил 9 феврал қарорига кўра ўн йил меҳнат-тузатиш лагерига ҳукм қилинган.

Абдулла Бойкотов (1888 йили ҳозирги Наманган шаҳрида тугилган, дин хизматчиси, эшон, ҳибсга олинган вақтда ишсиз) — аксилинкилобий гуруҳ аъзоси, совет ҳокимиятига қарши қуролли ҳаракатларда қатнашган, халқ душманларини қўллаб-қувватлаган, деган тухмат билан "учлик" қарорига кўра 1938 йил 9 февралда отувга ҳукм этилган.

Нажмиддин Иномов (1882 йили ҳозирги Наманган вилояти Наманган тумани Шўркўргон қишлоғида тугилган, дин хизматчиси, имом, ҳибсга олинган вақтда ишсиз) — аҳоли орасида аксилинкилобий ташвиқот олиб борган, колхозчиларни совет ҳокимиятига қарши чиқишга тарғиб этган, деган бўҳтонлар билан, "учлик" қарорига кўра 1938 йил 9 февралда отувга ҳукм қилинган.

Соат Турдиев (1890 йили Сурхондарё округи Бойсун тумани Пулҳаким қишлоғида тугилган, имом, ҳибсга олинган вақтда колхозчи) — аксилинкилобий гуруҳ раҳбари, ноқонуний йигинларда иштирок этган, колхозларни тарқатиб юборишга, қуролли ҳаракатларга тарғиб қилган, деган уйдирма билан "учлик" 1938 йил 4 февралда отувга ҳукм қилган.

Иброҳим Муқимов (1873 йили Сурхондарё округи Бойсун тумани Қумбулок қишлоғида тугилган, имом, ҳибсга олинган вақтда ишсиз) — миллатчи, совет ҳокимиятига қарши қуролли ҳаракатларни уюштириш сохта айблови билан айблаб, "учлик" 1938 йил 4 февралда отувга ҳукм қилган.

Алихўжа Примбетов (1888 йили Тошкент вилояти Чирчиқ тумани Қас қишлоғида тугилган, имом) — аҳоли орасида доимий равишда миш-мишлар тарқатган, коммунистларни ёмонлаган деган тухмат билан "учлик" 1938 йил 14 февралда отувга, мол-мулкни мусодара этишга ҳукм қилган.

Али Махсум Содиков (1900 йили Қўра-қалпоғистон АССР Қипчоқ тумани 5-овулида тугилган, дин хизматчиси) — ноқонуний йигинларда иштирок этган, бундай ҳаракатларни қўллаб-қувватлаган, халқ орасида колхозчиларга қарши ташвиқотлар

олиб борган, деган тухмат билан айбланиб, 1938 йил 7 февралда отувга ҳукм килинган.

Мамут Юсупов (1885 йили Қорақалпоғистон АССР Кипчок тумани 5-овулда тугилган, савдогар, дин хизматчиси, имом) — аксил-инкилобий диний гуруҳ аъзоси, ноқонуний йигинлар ташкил этиб, аҳоли орасида советларга қарши тарғибот олиб борган, деган тухмат билан "учлик" 1938 йил 7 февралда отувга ҳукм қилган.

Муса Исаев (1900 йили Хоразм округи Хива шаҳрида тугилган, имом, хибсга олинган вақтда қолхозчи) — аксил-инкилобий диний гуруҳ аъзоси, ноқонуний йигинлар ташкил этган, аҳоли орасида аксил-инкилобий ташвиқот олиб борган, деган уйдирма билан айбланиб, "учлик" қарорига кўра 1938 йил 10 февралда отувга ҳукм қилинган.

Худойберган Абдалов (1896 йили Хоразм округи Хива тумани Молотов қишлоқ советида тугилган, имом, хибсга олинган вақтда қолхозчи) — аксил-инкилобий диний гуруҳ аъзоси, ноқонуний йигинларда иштирок этган, аксил-инкилобий мағлубиятчилик ташвиқотларини олиб борган, деган уйдирма билан 1938 йил 10 февралда отувга ҳукм қилинган.

Бу ўринда бор-йўғи ўн икки нафар катагон қурбони ҳақида қисқа маълумотларни келтирдик. Уларнинг барчаси кейинчалик айби йўқлиги учун оқланган.

Рустамбек Шамсутдиновнинг "Катагон қурбонлари" китоби асосида тайёрланди